

СИЛДА ЖАСМАДАЙТ

ВА

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

12

СОН

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• • • Баҳоси эркин нархда

Пальтолар ечилар — туюлар оғир,
 Дараҳтлар кийинар — яланғочлик ор...
 Телбаликлар ичра қолганда бағир,
 Сени қаерларга бошлайди баҳор?

Бу қандай адашув — билмасман сирин,
 Ёмғир ҳам бекарор, кун ҳам бекарор.
 Кичик осмончалик қўлингга бериб,
 Сени қаерларга бошлайди баҳор?

Ажаб нигоҳлар бор — чирмашар бекор
 Атлас қўйлагингнинг этакларига.
 Ишонсанг уларнинг эртакларига,
 Сени қаерларга бошлайди баҳор!

Сен қайга?
 Мен қайга?
 Дилни ўртаган
 Интиқ истагим бор, ардоқларим бор.
 О, жуда қўрқаман, жуда қўрқаман,
 Сени қаерларга бошлайди баҳор??

Билмасман не учун, билолмасман ҳеч,
 Руҳларга паришион девоналиқ ёр:
 Мени қаерларга кузатдис қиши,
 Сени қаерларга бошлайди баҳор?..

Мирзо КЕНЖАБЕК

Нормурод МУСОМОВ сурати



ЮЗЛАРИДАН ҶАБАССУМ АРИМАДИ

Ҳаяжон билан куттилган дақиқалар шуури кўнглимизни ҳали-ҳали тарқ этгани ийқ. Баҳорнинг бебаҳо олқашпарию, "Наврӯз" байрами куттуг қадамлари ҳар биримизнинг қувонч қўшмоқда.

Куни кеча Охунбобов номидаги ёш томошабинлар театрда оналар ва болаларга аталган кетта Наврӯз байрами ўтказилди. Ўзбекистон жумҳурини "Маҳалла" жамғармаси ҳамда болалар жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигидага театр ижодкорлари карнай-сурнай садоларни остида меҳмонларни кутуб олишди. Меҳмонлар-маҳаллалардан келган кўп болалик аёллар, 21- болалар уйиннинг тарбияланувчилари ва бошқа худудлардан келган кичкинтойлар бўлди. Унда театр жамсалари ўзининг байрамга тайёрланаған қўйинок дастурини мөхирона намойиш қилиди. Болаларга ширинликлар ва ҳар хил иҷимликлар улашилди.

Анжуманда Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармасининг раис мӯбини Немматулла Абдуллаев меҳмонларни "Маҳалла" ва Болалар жамғармаси номидан табриклиб, оналар ҳамда болаларга совғалари билан дастур қатнашчиларни күшнуд этди. Меҳмон бўйган ота-оналар болалари билан биргаликда байрам сўнгига қизиқарли спектакл томоша қилишди.

УШБУ СОНДА:

Мамлакат БЎРИЕВА:

**ФАРЗАНД КЎНГИЛНИНГ
ГУЛИМИ?**

3-бет

Жалол ЯХШИБОЕВ:

«ЎЗБЕГОЙИМ» ДЕБ ЁЗИНГ...

8-бет

«Оила ва жамият» 12 (135)

“ҒАФУР” ҲАМ, “ФОФУР” ҲАМ ЭМАС...

“Ғафур” деган исм бор. Баъзида унин “Ғоғур” тарзида талаффуз қиласидар, шундай ёзадилар ҳам. Ҳатто машхур шоиримиз номига кўйилган метро бекатига катта-катта ҳарфлар билан “Ғоғур Гулом” деб ёзб қўйилган. Бу машхур исмни битишдан аввал шоирингни китоблари муқоваларига бирров қараб олиш шунчалар қийин бўлган экани? деб ўйлайсан киши.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Комил Яшин қайта ишлаган “Бой ила хизматчи” драмасида Ғоғир — бош қаҳрамон. Хўш, нега энди бу “Ғоғур” эмас, “Ғоғир”? Ҳамза ё Комил Яшин хото қилишдимикин?

Арабчада кечириувчи, авф этувчи маъноларни берадиган бу сўз “Ғафур” ҳам, “Ғоғир” ҳам

ёзилиши мумкин.

“Ғафур” деган исм ҳам “Ғафур” ё “Ғоғир”га маънодош. Фарқи шундаки, “Ғафур” — ўта кечириувчи, ўта авф этувчи деган маънони беради.

Бу исмлар имлоси ва талаффузи билан, умуман, уларни болаларимизга беришимиз билан боғлиқ бундан-да муҳим муаммо бор. “Ғафур” ёки “Ғоғир” ҳам, “Ғафур” ҳам — диний исмларимиздан. Бу сўзлар Оллоҳнинг сифатларидан бирини англатади. Лекин Оллоҳнинг сифати болага исм қилиб бериладиган бўлса, бу сўз олдидан “Абду” ёки “Абдул” қўйилиши керак.

Султонмурод ОЛИМ



Бир куни Абдулла Орипов билан рафиқаси Ҳанифаҳоним сұхбатлашиб ўтиришган экан, гап айланниб ҳазрат Алишер Навоийга келиб тақалиби. Ҳанифаҳоним ўзбек аёли, бунинг устига серфарзанд она эмасми:

— Шундай буюк зот бефарзанд ўттган... — дебди ачишиш билан.

— Ундай дема, — дебди Абдулла Орипов, — Ул зотнинг фарзанди кўп. Мана, мен ул зотнинг ўғлимани...

— Унда мен келини бўламан, — дебди Ҳанифаҳоним.

Бу сұхбат мутоиба тарзида бўлса-да, унинг тагида ҳақиқат ётганини кўриб турибисиз. Миллат намояндаси сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам кимгандир буюк Навоийнинг ўғлимани, дейиш ҳуқуқи бериладиган бўлса, бу ҳуқуқка биринчи бўлиб Абдулла Орипов эга бўлишини биласиз. Унинг шоирлар орасида биринчилар қаторида буюк бобомиз номидаги мукофотга сазовор бўлиши ҳам бу узвий боғланишнинг бир кўриниши эмасми?

Аммо, бутун гап Абдулла Орипов эмас, Ҳанифаҳоним ҳақида боради.

Олтмишинчи йилларда бир рус шоири: “Қизлар, шоирларга эрга тегман!” деб хитоб қилган эди. Бу гапнинг ҳақиқий маъносини шоирларга, умуман истеъодиди

одамларга турмушга чиқсан аёллар билади. Тангри таоло бу дунёда ҳамма нарсани теппа-тeng, қилиб посангиси билан яратган. Истеъодли одамга рафиқа бўлишнинг машаққатига чидаган аёлларигина бундай баҳтга мушарраф бўлади...

Ҳанифаҳоним — баҳтли аёл. Ҳалқнинг энг суюкли шоири билан ёстиқдош бўлиш, унга бир-биридан ширин фарзандлар ҳадя этиш, унинг шуҳрату мартабаси нашъасини суриш..., Аёл учун бундан ортиқроқ баҳтни тасаввур қилиб бўладими?..

Албатта, юқорида айтилганидек, тарозининг палласи иккита. Ҳар иккя паллалинг юқори бир хил бўлмаса бўлмайди. Санъаткор эрнинг табиий инжиқликларидан, уй-рўзгор, фарзандлар ташвишидан ташқари, хорижий ва шу ерлик ҳамкаслар, арзўйлар (бу гапга ажабланманг — бор гап) турли мартабали бощқа меҳмонлар, шогирду муҳлисларни кутиб-кузатишнинг ўзи бўлмайди!

Ҳанифаҳоним шунинг учун ҳам баҳтли аёлки, у эрнинг шуҳрати юқини ҳам, бекалик, оналик юкини ҳам

мардонавор кўтариб келади!

Абдулла Ориповнинг истеъоди ҳам, шу истеъод тифайли эришган мартағаси ҳам — худодан. Аммо, Абдулла Ориповнинг ўз ҳалқи ҳузурига ҳар доим Абдулла Орипов бўлиб чиқиб туришида Ҳанифаҳонимнинг ҳиссаси катта эканини инкор килолмаймиз. Эҳтимол, шоир:

“Унда тинчи бўлсин ўйигитнинг аввали”, сатрини Ҳанифаҳонимнинг ана шу фазилатини кўзда тутган ҳолда биттандир?

Ҳанифаҳонимнинг фаолияти “Алишер Навоийга келин” лик, Абдулла Ориповга аҳли аёллик билангина чекланниб қолмайди. Унинг мамлакатимиз келажаги учун она сифатида қўшаётган ҳиссаси ҳам бекиёс. Юрт учун олти нафар фарзанд, кўплаб невара-чевара тарбиялаб бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Бу йил ҳалқаро Оила йили. Инсоннинг алоҳида алоҳида одамлардан ташкил топганидек, дунё ҳам алоҳида алоҳида оиласалардан иборат. Ҳар бир хонадон, ҳар бир оиласадаги тинч-

Етти кун

УЛУФБЕКНИНГ ИЗДОШЛАРИ

Мамлакатимиз Президенти яқинда Москвада расмий сафарда бўлиб қўйтганда иккича мамлакат ўртасида иктисадий, сиёсий, ҳарбий соҳада ҳамкорлик төғрисида битим изолаганга эди. Азия газетининг ёшича, жазкор учрашу чоги иккича мамлакати коиноти илм-фан ҳамда ҳалқ хўjalиги макфаатлари ўйнода бирга лиқоба ўрганиш борасида ҳам келишиб олишди. Бу нафасат Россия ва Узбекистон, балки бутун Марказий Осиё ҳалқлари фаровонлиги учун хизмат қилиши табиий, деб ёзди “Азия”.

АБДУЖАЛИЛОВНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ КИТОБИ

Термизлик қаламкаш Қўзибод Абдужалилов 1993 йилдан бери 9 та китоб чиқарди. Унинг “Аскар акаме” деб номланган китоби атига 20 кун ичидан нашардан чиқиб китобхонада қўлига тегди. Абдужалиловнинг зўриги шундаки, у рўмондан бошқа барча адабий жанрда бироракайсане қалам тебратга олади. Китоб чиқаришда сурхондарлик ижодкорлар орасида рекорд қўйиб Қўзибод ака айн кунда “Указсанларимга” ва “Али билан Вали” деб номланган китобларини нашр этитириш учун бели бақувват ўзмий излямти.

ИМОН ТАНТАНАСИ

Избоскан туманиндағи Чўнгебоғиши қишлоғилик бир фуқароининг далага ўтлаш учун қўйиб ўйорилган қўйи шукодди. У қўйини ўзок излади, тополмаса, ҳафасаласи пир бўлиб, умидини ўзди. Бунга қаранеки, қулоқма-қулоқ бўлиб, қўйи шукоддигари беш ойдан сўнг олис Тўртқўй қишлоғидаги бир кишининг ўйидан топилди. Қўй бўғоз бўлиб, сенирган, ҳатто ўзасининг ҳам кўзига бўлакча кўрнишиб кетди.

Қўйининг ўзаси туртқўйлик бирордига бўққан еми учун пул тўлаб, жоноворни ўйига олиб келди. Илло дунёнинг ҳали яна омон түрши рост экан.

ЮСУФБЕК ҲОЖИНИНГ ТЎЙИ

Яқинда Анойжон вилояти театрида машхур санъаткор, Ҳалқ артисти Аббосхон Бакировнинг 85 йиллиги муносабати билан таштанини кечи бўлиб ўтди. Унда қўйлаб санъат муҳлислари, А.Бакировнинг шоғирлари ва севимли санъаткорнинг фарзандлари, нисбатлари қатнашид. Улар ҳалқимиз қалбда Юсуфбек ҳожси сифатида ҳам ўйлас из қолдиргага буюк инсонни кўзларидаги ёш билан хотирладилар.

МУХЛИСЛАР ЯНА КЎПАЙИШАР...

Бундеги 3-4 йил иллари Тошкент шаҳридағи “Пахтакор” стадионида бўлиб ўтадиган ҳар бир футболь учрашуви ташаффусида пуллик ютуқлари лотерея ўйналарди. Бирор, нима бўлди-ю, кейинчалик ўзбек ўйини бутунлай тўхтаб қодди.

Мана, ниҳоят футбол ишқибозлари орзикуб кутган кунлар-арзон лотерея ютуқларини “елкалаб” кетиш пайти этиб келди. Энди “Пахтакор”нинг муҳлислари яна кўпайса ажабмас.

ОҚИБАТДАН АЙРМАСИН

Тошкент шаҳридағе “дом”лардан биринда насроний қария қазо қиди. Аксига олганда 80 ёшга бориб қолған ҷони билаларга ташаббус кетепсан экан. Маҳалланг — ота-онанг деганинг айримдек саҳоватеша қўшиллар имкон қадар маблаг таслашиб, марҳумни сунгига ўзлек кузатишди.

«АЛИШЕР НАВОЙНИНГ КЕЛИНИ»

тотувлик, осойишталик заминимизнинг осойишталигини таъминлайди. Осоишталик нима-ю, нотинчлик нима эканини бутунги кунда Республикаимиз ва бошқа минтақалар мисолида яққол кўриб турибмиз.

Мехрибон она ва буви, меҳмондўст, ғамхўр бека, шоирга аҳли аёл, бинобарин, шоирлар шохига “келин”

— Бойхотин-Ҳанифаҳоним ўзининг фаолияти башарий миқёс касб этаётганини ўйлаб кўрганмикан? Йўқ, у буни ўйламайди. Чунки, ҳар бир ўзбек аёли сингари, оддийтина бурчимни бажарыпман, деб ўйлайди. Ва тўғри ҳам кўриди..

... Абдулла Орипов “Аёл” шеърини ёзганида ҳали Ҳанифаҳонимга ўйлангани йўқ эди. Умуман, шеър ҳам бутунлай бошқа мавзуда. Аммо, бутунлай ўзга тақдирли аёл шаънига айтилган бўлса-да, мана бу баҳтни Ҳанифаҳоним шаънига ҳам такрорласа бўлади:

Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муқаддас бўлмасди Аёл!

Машраб БОБОЕВ



МАМЛАКАТ БҮРНЕВА — Тошкент давлат университети Ахолишунослик илмий тадқиқот лабораториясининг жудири. Асосий қиласиган иши мамлакатимиз ахолисининг ўз миллий урф-одатлари, фарзандлар камоли, туғилиши оила ва унинг асл жамияти юзасидан турли тадқиқотлар олиб боршишдир. Қуида Мамлакат оиласининг "Оила ва жамият"га ёзган дастлабки тадқиқот-мақоласини ўқишиз.

Биз туғилган оила билан биз яшэтиган жамият бир-бирига чамбарчас болгланган түшнчадир. Бошқача қилиб айтганда, оила — жамиятниң никоҳ, қариндошлик, маънавий, ҳуқуқий муносабатлар асосида инсонларни бириттируви кичин бир бўяги ҳисобланади.

Жамиятдаги ҳар бир оиласининг мөхияти ва бажарилши лозим бўлган вазифаларни дунедаги барча халқлар учун бир хилдир. Лекин тараққий этиш, белгиланган вазифаларниң бажарилши жараёнини ҳар бир халқда алоҳида, ўзига хос хусусиятга эгаиди.

Биз бугун оиласининг жамиятни ривожлантиришдаги энг муҳим вазифаси бўлмиш — авлод яратиш, яъни туғилиш ҳақида тұтхалмокчимиз. Ушбу масала жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида ҳам бир хил бўлавермаган. Феодализмнинг сўнгги сонияларигача бўлган давлардан туғилиш қонун томонидан ҳеч қачон чекланмаганди. Капиталистик ишлаб чиқарни усулиниң вужудга келени билан эса саноат тез ривожлана бошлади, янги-янги шаҳарлар пайдо бўлди. Кўпчилик ахоли иш қидириб қишлоқдан шаҳарларга кўчиб кела бошлади. Шаҳар ахолисининг ўсиб бориши натижасида бир томондан турар жой, озиқ-овқат муммомлари келиб чиқсан бўлса, иккинчи томондан ишсизлик вужудга келди ва масаланинг учинчи жиҳати — қалиталистик ишлаб чиқарниша аёллар ва болалар меҳнатига жудакам ҳак тўланар эди. Жамиятдаги бундай ўзгаришлар оиласада болалар сонини чеклашади, туғилиши қисқартиришга олиб келди. Айниқса ахолисининг асосий қисми шаҳарларда яшовчи Европа мамлакатларида туғилиши жуда камайиб кетди. Масалан, Англияда 1850 йилларда ахолининг 50 фоизи шаҳарлarda яшашган ва ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони 32,6, ни ташкил қилган бўлса, ҳозир ахолининг 80 фоизга яқини шаҳарларда яшайди ва ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони 13,9ни ташкил қилади. Эки Францияда 1850 йилдан то ҳозиргacha шаҳар ахолиси 25,5 фоиздан 74 фоизагча кўлайди. Ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони эса 26,2 дан 13,7 гача камайди. Германия Федератив республикасида (Бирлашган Германия) ахолининг 94 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Туғилиши кўрсаткичи эса 10,2 ни ташкил этади, холос ва дунёдаги туғилиши энг кам давлатлардан ҳисобланади.

Ер юзида умуман туғилишининг камайиши, асосан XVIII асринга иккинчи ярмida Гарбий Европа давлатларида бошланниб, кейинчалик АКШ, Канада, Австралия ва Япониягача етib борди. Айниқса иктисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларда туғилиш тезлик билан камайди. Ушбу давлатларда 1750—1800 йилларда ҳар минг киши ҳисобига 38 нафар бола туғилган бўлса, 1970—1990 йилларда қелиб кўрсаткич 16 тани ташкил қилади. Бошқача қелиб айтганда, туғилиш 2 баробардан кўпроқ қискарди.

Сайёрамизда туғилишининг чегаралар бўйлаб ўзаро фарқ қилиши аввало мамлакатлар ахолисининг моддий ва маданий турмуш даражасига, асрлар давомида шаклланиб, этади.

сақланиб келган миллий урф-одатлари, қолаверса динига боғлиқидир. Булардан ташқари, туғилишига ахолининг жинс ва ёши бўйича тақсимланиши, никоҳдан ўтиш ва ажralиши каби қатор омиллар, медицинанинг ривожланиши, шунингдек ҳар бир давлат томонидан олиб бориляётган демографик сиёсат ҳам таъсир қиласи.

Статистик маълумотларга қараганда, кейинги 20—25 йилнича дунёдаги барча халқлар оиласида туғилишининг камайиб бориши кузатилмоқда. Фикримизни қўйидаги расмий жадвал ҳам тўлиқ тадқиқатидан туғилишининг ёзи бўйича 20—25 йил оша ўзгариши. (ҳар бир аёлга нисбатан туғилган болалар сони)

Маълумки, мусулмон халқлари, жумладан, ўзбеклар эътиқод қилган ислом дини ҳам, асрлардан бери шаклланиб келган миллий урф-одатлар ҳам, кўпболаликни қўллаб-куваттайди. Халқимизнинг оиласи мукаддас ҳисоблаши ва оила куриб, фарзанд кўришга интилиши ўзбек оиласида туғилишининг юқори даражада сақланиб қолишига олиб куличи оиласиларданди.

Тошкент Давлат университети Ахолишунослик лабораторияси ҳодимлари томонидан ўзбекистонда истиқомат қиливчи турли миллат ва ижтимоий гурухларга мансуб катта-кичиг ёшдаги кишилар, орасида маҳсус тадқиқот ўтказилиб, уларнинг оиласида фарзандлар сонига бўлган муносабатларни ўрганилди. Уларнинг аксарияти "оила куришдан мақсад, аввало фарзанд кўриши" деган фикрин билдирилар. Бу борода европа миллатларига мансуб замондошармизининг фикрлари бутунлай ўзгачадир. Масалан, иктисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлатлардан бири Америка Кўшма Штатларида ўзказилган социологик тадқиқотлар натижасига

ФАРЗАНА - ЖУНГИЛДИЧИЧИ ТУҒИЛИШИ?

	1970—74:	1975—79:	1980—84:	1985—89:	1990—94:
Бутун дуне	4,44	3,81	3,52	3,28	3,10
Африка	6,50	6,43	6,34	6,22	6,01
Осиё	5,05	4,02	3,54	3,14	2,85
Жумладан Америка	3,63	3,34	3,14	2,99	2,87
Лотин Америкаси	5,01	4,47	4,09	3,73	3,39
Шимолий Америка	1,95	1,89	1,83	1,89	2,01
Европа	2,16	1,95	1,87	1,83	1,84
Австралия ва Океания	3,15	2,81	2,65	2,56	2,47
Собиқ ССР	2,42	2,33	2,35	2,37	2,33
Иктисодий ривожланган давлатлар	2,17	2,01	1,97	1,37	2,00
Иктисодий ривожланмаган давлатлар	5,40	4,51	4,06	3,69	3,41

(Хадад "Население мира". (М., 1989) йилномаси бўйича келтирилган.)

Баъзи жойларда давлат томонидан туғилишин чеклашга қаралтилган демографик сиёсат ҳам масалага жиҳадий таъсир қиласига. Бунга Осиёнинг энг ийрик давлатлари — Хитой ва Ҳиндистон мисолида яқол кўришимиз мумкин. Хитойда туғилажак болалар сонига чеклаш давлат дастурига кирилтилган. Асосан 1970 йиллардан бошлаб туғилишин камайтириш учун қатор тадбирлар кўлланана бошланди. Натижада, БМТ маълумотларига қараганда 1970—74 йилардан то ҳар бир ўзининг фарзандлардан туғилган ўтрава 4,8 фарзанд, кўрган бўлса, 1986—90 йилларда — бу 2,1 гача камайган. Бу мамлакатда сиёсатдонлар 2000 йилга бориб табиий ўсишини нўлга туширишни мўжжаллагандар.

Ҳиндистонда ҳам туғилиши давлат томонидан назорат қиласига.

Мамлакатда туғилишининг камайнишга ахоли саводлилик даражасининг ошиши кўпроқ таъсир қиласига. Масалан, 1971 йили Ҳиндистон ахолисининг 29,4 фоизи саводли эди. Ҳозирги Даврда 40 фоизга яқин ҳинд ахоли саводлидир. Мамлакатда 1970—90 йилларда ҳар бир аёлнинг умри сони 5,4дан 3,3га камайди.

Ҳиндистонлик ахолишина қараганда, 2001 йилга бориб ҳар бир ҳинд оиласида ўтрава 2 тадан фарзанд бўлар экан.

Ҳозирги тайтда ер шаридаги туғилиши даражаси бир хил эмас. Бир гуруҳ халқлар оиласида бу ўтрава 2 тадан фарзанд бўлар экан. Иккича бир гуруҳда эса аксинча — жуда юқоридир. Яна бошқа миллатлар ҳам учрайдик, уларда туғилиши ўтрава мавжедадир.

Дунёдаги энг юқори туғилиш Африкада учрайди. Китъадаги ҳар бир оиласида ўтрава 6—7 тадан фарзанд бўлар. Энг кам туғилиши эса Европада давом этмоқда. Бу ерда аксарият оиласида фақат 1—2 тадан фарзанд кўришар экан. Бизнинг ўзбекистонимиз оиласида эса ушбу кўрсаткич 4—5ни ташкил этади.

Кўра ёш оиласида туғилиши 70 фоизи бола кўриши хоҳши ўйклиги ҳақида фикр билдирилганлар.


Шуни алоҳида таъқидлаш жонизи, ҳозирги даврда оиласида болалар сонига бўлган муносабат ўзбек халқида ҳам анича ўзгарган. Агар 1900—30 йилларда туғилган авлодлар кўпакларни худо берганича фарзанд кўришга интилишган бўлсалар, 1940—50 йиллар ва улардан кейин туғилган авлод эса ўтрава 4—5 нафар фарзанд кўришини маъқул ҳисоблашмомда.

Туғилиш-жараёнининг камайётганини оиласида бешинчи, олтинчи, еттинчи саккизинчи ва ундан кейинги туғилган болалар рақамининг қисқарип боришида аниқ кузатилади. 1970—93 йиллар мобайнида рёслубликамизда кўп бола тарбиялагандар учун нафака олган аёллар сони деярли 2 баробарга камайди.

Шу нарса маълумки, ўзбек оиласида туғилган болалар сони катта авлоддан ёш авлодга ўтиб борган сарн камайиб кетаверган. Масалан, 1900—10 йилларда туғилган ўзбек аёллар фарзанд кўриш даврида 15—49 ён ўтрава 9—10 тадан туғилган. 1911—1939 йилларда туғилган аёлларнинг ҳар бирни эса ўтрава 6—7 тадан фарзанд кўришган.

Мутахассисларинг ҳисоблашларига қараганда, ахолининг нормал кўпайши учун (яъни маълум бир территория ёки давлат ахолиси ўзининг мавжуд сонидан камайиб кетмаслиги, уни сақлаб турни учун ҳар бир аёл ўтрава 2—3,5 нафар атрофида фарзанд кўриб, камолга етказиши керак экан. Бу рақам туғилишини фанда тасдиқлаган мезони ҳисобланади. Агар шу кўрсаткич қайси бир давлатда камайса, демак давлатнинг аҳли сони камайиб боравериади. Аксинча, 4 дан ошса, мамлакат ахолиси тез ўсбн боради.

Демак, ўзбекистонда, таъқидлаб ўтанимиздек, туғилишининг ҳозирги даражаси юқори бўлиб, ахолининг ўсиб бораётганинги билдириади. Бу эса ўз навбатида кўплаб ёш авлоднинг дунёга келиб, камол топни билан янти-янги оиласида туғилган келишини тўла таъминлайди.



— ДАДАМ БУНДАЙ ДЕГАНДИ

Т. РАҲМАТХОНОВ сурати

“Дониш чироғи” рукни остида Шарқ ҳалқлари донишмандларининг ҳали ўзбек ўқувчи мухлисларига нотаниш бўлган асарлари билан таништиришини ният қилдик. Рукнинизнинг илк босқинчини Туркия мамлакатига, тўғрироғи Туркиядан етишиб чиқсан ва дунё ҳалқларини ўз ҳикматномалари билан баҳраманд этган донишларга ажратдик. Бунииг биз назарда тутган иккита сабаби бор. Аввало Туркия ўзбек ҳалқи сиёсий ҳуқуқи истиқлолини дунеда биринчи бўлиб тан олган қардош давлат. Бу билан биз ўзимизни қарздор ҳис қилаётганимиз ўйк, аксинча мустақил давлатимиз ҳалқи ва Туркия ўртасидаги истибод замонида узуб-кесиб қўйилган маънавий-маданий, адабий-сиёсий алоқаларинизни қайта тиклашга бўлган умидимиздир. Иккинчидан, Туркия ислом дунёси тарихида ўз нуфузи билан илоҳий аддолат ўйлида котта хизматлар қиласан ва ўйлаб донишлар, уламолар етишиб чиқсан мукаррам макондир. Бизнинг бу қарашмизнинг ҳақлигига рукинизи мунтазам кузатиб боргани газетхонлар амин бўлишаади, иншооллоҳ!

ДОНИШ ЧИРОҒИ

Рукинизиңинг илк саҳифасини ислом дунёсининг машҳур дониши, Турк адабиётни асосчиси мұхтаран рәҳматуллоҳи алайҳ Жалолиддин Румийга бағишладик. Мәълумки, Жалолиддин Румий ўз ҳикматлари билан аждодлар ҳузуринда Аллоҳ раҳмати билан беҳад нуфузга эга бўлган зот. У киши ўзидан кейинги барча ислом уламою шуароларига устозлик мақомида бўлган. Ҳусусан, Мир Алишер Навоий у зотни ўзига устоз деб билган.

Афсуски, шу вақтгача ўзбек ҳикматсевар мухлислари у кишининг маънавият ҳазинасидан бебаҳрадилар. У киши ҳақдаги Радий Фишининг “Жалолиддин Румий” рўмони ва “Маснавий-маънавий”дан қилинган айрим таржималаргина ўзбекчага ўғирилган. Демак, барча ишлар ҳали олдинда. Ёш мутаржим Улугбек Абдулваҳоб Румий ҳазратларининг “Фиҳи моғиқ” (“Нарса ўзида”) асари таржимасига киришиб, қилинши зарур ишларга қўй урди. Ҳайрли шининг илк самарасини газетхонларга тақдис қиласапмиз.

РУМИЙДАН БИР САБОҚ

БИСМИЛЛАҲИР
РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Пайгамбар саллаллоҳу алайхи мансудларини ёмони амирларни зиёрат этгани, амирларнинг яхсиси олимларни зиёрат қылганидир. Фақирнинг эшигига келган амир нақадар хуш ва амирнинг эшигига борган факир нақадар ноҳуцдир.

Халқ бу ҳадиснинг зоҳирий мъясидигина қабул қиласан, яъни бир олим ёмон (олим) бўлмаслик учун амирни йўқламаслиги лозим, амирни бориб кўрмоқ унга муносиб эмас, деб билган. Аслида, фикрининг ҳақиқий мъясиди ҳалқ ўйлагандай эмас, балки шундайдир: Олимларнинг ёмони амирдан ёрдам олгани ва улар воситасида ўз ахволини яхшилагани, кучга кирганидир. Амирлар менга инъом берадилар, мени иззат икром қиладилар ва бир яхши жой эҳсон этадилар тушунчаси ва уларнинг кўркуви билан ўқиган кимса олимларнинг энг ёмонидир. Шу холда бу кимса амирлар тарафидан ислоҳ бўлган, билимсизликдан биладиган ахволга келганда, олим бўлганда ҳам амирлар кўркувидан ва (уларга — тар.) ёмонлини қиласлиқдан тарбия кўрган бир инсонга айлангандир. Энди у истаса-истамаса, ҳамма вакт бу йўлга ўйғун тарзда ҳаракат этмоги керак бўлади. Ҳуллас, бу важдан хоҳ у амирни кўргани борсин, хоҳ амир унинг ҳузурига келсин, барibir у зиёрат қиласан, амир эса

зиёрат этилган бўлади.

Олим агар амирлар соясида олим бўлишини ўйламаса, унинг билими ибтидо ва интихода Аллоҳ учун қилинган бўлади. Унинг тутган йўли ва кўрсатган фаолияти савоблидир. Чунки яратилиши шундай, балиқ сувдан бошқа ерда яшай олмаганидек, у ҳам бундан ўзгасини килолмайди. Унинг кўлидан келгани шудир. Бундай бир олим ҳаракатларини бошқарб յўлга солиб турган нарса — ақл. Ҳамма ундан кўрқади ва инсонлар баъзан билиб, баъзан билмасдан у тараттан нурдан баҳра оладилар. Ҳуллас, бундай бир олим амир ҳузурига борса, зоҳиран у зиёрат қиласан, амир эса зиёрат этилган бўлади. Аммо амир олимдан ҳамма вакт юксалишга чорловчи бир кувват — ёрдам олади, олимнинг эса амирга эҳтиёжи ўйк, чунки у бадавлатдир, нур сочаётган куёш кабидир. Иши таъмасиз кўмак бермоқ, эҳсон этмоқдир. У тошлардан лаът ва ёқут кила олади. Таркиби тупроқдан иборат бўлган тоглардан эмас, олтин, кумуш ва темир маъданлар ясади. Тупроқни тозалайди, ёшартиради. Даражатларни тури-туман мевалар билан бойтади. Иш-эрмаги багишламоқдир, ҳадя этмоқдир.

Арабнинг “Биз бермоқни ўрғандик, олмоқни ўрғанолмадик” нақлидаги сингари олим ҳам беради-ю бирордан олмайди. Ниҳоят, бундай олимлар ҳакикатда зиёрат этилган, амирлар эса

зиёрат қиласан бўладилар.

Шоҳларга яқин юрмоқ шу нуқтаи назардан таҳликали эмас, яъни хоҳ бутун, хоҳ эртага бўлсин, кетажа бош барабир кетади. Ушбу жихатдан эса ҳавфидидир: Шоҳларнинг нафси кучайиб, бир аждархо сингари бўлади. Уларга яқин бўлиб, дўстлигини ҳимоя қиласан ва ҳадяларини қабул этган ҳодиса мутлақо шоҳларнинг раътига кўра гат айтади. Бу жуда катта ҳатардир. Чунки подшоҳлар тарафи одинаркан, асл тараф сенга ёт-бегона бўлиб колади. Сен у томонни ҳимоя қилганингда, азиз бўлган бу томон сендан юз ўғиради ва сен дунё аҳли билан қанча чиқишисанг, унинг (сенга) шунча газаби келади. “Аллоҳ золимларга ёрдам берган кимсага ўша золимни бало қилиб қўяди” (хадис).

Замонамиз олимлари қилни кирк ерадилар, ўзларига bogлиq бўлмаган нарсаларни жуда яхши биладилар, аммо ўта мухим, ўзлари учун колган барча нарсалардан яна-да яқин бўлганни, яъни ўзларини билмайдилар. Ҳамма нарсадан яқин бўлган борлиқ бу — уларнинг менилиги. Улар бирон бир иш тўғрисида бу — ҳалол, бу — ҳаром деб ҳукм чиқаришади-ю ўз мөхиятларининг ҳалол е болор эканлигидан гофидилар. Ривоят: Шоҳнинг бир аҳмок ўғли бор эди. Ўқисин, ўргансин деб ҳунармандларга қўшиб кўйди. Орадан узоқ фурсат ўтди. Шоҳ ўгини синаш максадида кўлига узугини



С.МАҲКАМОВ сурати

яширида “Бу — нима?” деб фарзандидан сўради. Ўғли: “Кўлингдаги думалоқ, сариқ ва ичи бўши нарсадир” деб — жавоб берди. Ҳукмдор ҳайратда қолди ва яна сўради: “Аломатларини тўғри топдинг, айт-чи, унинг ўзи нима?” ўғил: “Галвир бўлса керак”, деди. Шоҳ эса: “Мени лол этиб: белгиларини аниқ айтдинг-у, лекин галвирнинг ҳовучга симаслигига ақлинг етмадими?”, — деб ажабланди. Биз назарда тутган одамлар ҳам ҳудди шундай, яъни аломатларни топиб сўйлайдилару, бироқ галвирни ҳовучга сигади деб туриб оладилар. Чунки асосий нарсадан уларнинг ҳабари ўйк. Мухими — асос. Оловга ташланганди, узуннинг аломатлари (ранги, шакли — тар.) йўқолади, асос эса яшайди. Аломатлардан кутилмоқ зотга хосдир. Инсонга берилган иш, сўн ва ҳакозаларининг барчasi — аломат. Уларнинг жавҳар билан алокаси ўйк. Улар йўқ бўлгандан кейин қолган нарса жавҳардир. Ҳақиқий олим ана шу жавҳарга интилган зотdir.

Улугбек АБДУЛВАҲОБ

Жустин ГЛАСС

ИЧКИ СЕКРЕЦИЯ БЕЗЛАРИ ЭХТИЁЖИ

(ДАВОМИ)

Ички секреция безларининг асосий вазифаси – ўзига хос модда (тармон) ишлаб чиқариши ва уни қонга қўшишдир. Инсоннинг ана шу аъзолари барқарор ишлашин таъминлаб ёшлини узайтира бўлади. Табиий усууларни кўллаган ҳолда, яъни ички секреция безларини қон билан таъминланишини яхшилашга ёрдам берадиган маҳсус машқларни бажариш орқали бунга эришиш мумкин.

Ички секреция безларини сунъий равишда ёшартириш усууларни ҳам мавжуд. Булар зарурий моддалар истеъмол қилиш, игна санчиш орқали тери остига ёки томирга дори юбориши, тирик тўқималарни кўчириб ўтказиш кабилар. Лекин бу усуулар етарли даражада самараради эмас, чунки ёшартиш танада қисқа вақт “мехмон”

бўлади ва даволаш тугаганидан сўнг кишияни аввалинг ҳолатига қайтади. Олимларнинг исботлашича, ёшариш мақсадида фақат битта безга таъсир килишнинг ўзи яхши натижага бермайди. Чунки барча ички секреция безлари ўзаро боғлиқ равишда ҳаракат қиласиди. Битта безининг кучли ҳаракати келтирилиши эса ботша сабаб ҳаракат қиласиди. Битта безининг кучли ҳаракати келтирилиши эса ботша сабаб ҳаракат қиласиди.

Ёшариш муаммолари билан шуғулланадиган бальзи олимлар маҳсус назария ишлаб чиқишган. Унда ҳаётнинг, тирикликнинг куч-куват манబи бўлган жинсий безларга алоҳида аҳамият берилган. Кези келганда шуни айтиш керакки, бу безларни ёшартириш барча аъзоларнинг ҳолатига ижобий таъсир қиласиди.

Шу нарса маълумки, инсон

аъзоларининг қариши наинки жинсий аъзолар фаолиятининг сустлашувига, балки эндокрин системаси фаолиятининг бузилишига ҳам боғлиқ. Айни пайтда биологлар биринкирувчи тўқималарда бўладиган ўзгаришлар қаришга сабаб бўлади, демоқдалар. Хўш, бундай тўқималардаги ўзгаришларга нима сабаб бўлади? Сўнгги тадқиқотлар бундай ўзгаришлар бизнинг руҳиятимиз билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Профессор Богомолец “Ёшлини узайтириш ва узок умр кўриш аксарият ҳолларда руҳиятимиз билан боғлиқ” деб бежиз айтмаган. Руҳият узок яшаш муаммоларини синишда асосий калит бўлиб хизмат қиласиди.

Махмуд АБУЛФАЙЗ таржимаси



МУБОРАК КУНЛАР

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Азиз падари бузрукворимиз Аскарали БУРХОНБОЙ ўғли! Биз сизни 41 ёшга тўлишингиз жуносабати билан чин дўйдан қўтлаймиз. Сизга сиҳат саломатлик, олам-олам қувонч, асрдек узоқ умр тилаймиз.

Бахтижизга доимо sog бўлинг! Фарзандларнинг гулбахор НАВБАХОР, ОЙБЕК, МУНИРА.

Тошкент шаҳри.

Геология-минералогия фанлари номидоди САЛОМОВА СВЕТЛНАНА КАҲХОРОВНА!

Сизни 57 ёшга тўлишингиз жуносабати билан самими табриклаймиз. Аввало оиласигизга тинчлик, хонадонингизга қут-барака, дастурхонингизга файз тидаимиз. Бушингиздан баҳт қўшишининг ёғулларига сочилашверсин. Илов, шундай баҳорларнинг яна 57 тасини қўринг. АКИДА, МАВЛУДА.

Тошкент шаҳри.

Кадар Фазилат ола ИБРОХИМОВА! Сизни таваллуд кунингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Ҳамиша ҳалқимизнинг хизмати йўлида

толманиг. Хонадонингиз тинч, қаторинингиз тўлиқ, умрингиз зиёда, насибангиз бутун бўлсан. Яна жамиси эзгу тилаклар доимо сизага ҳамроҳ бўлиб қолинши тилаб, Фарғона вилояти, Охунбобов тумани, АФГОНЧИ"лар юшумаси аъзолари.

Хурматли
АҲМАД ака!
Биз сизни түгилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз!
Сизга тан сиҳатлик, тўқис баҳт, шашаригизга барака таблаймиз, узоқ йўлдошингиз МАНЗУРА.

Азиз ва муҳттарам синглишимиз САНОБАРОЙ ҳамда кубёвимиз ЎКТАМЖОН! Иккакалангизни ўмрингиздаги энг муҳадда турилган түхларингиз муносабати ўзларимиз жамики қариндош табриклаймиз, номидак самими баҳор фаслидек Умрингизни

фусункор ва шиддатли бўлсан. Хонадонингиз нурга, қадингиз шикжат ва юқсан түғигларга тўғсан.

САДРИДДИН, СОҲИБА, ЛОЧИЙБЕК, Самарқанд вилояти, Ҳатирчи тумани.

Нуридийдамиз ЖАҲОНГИРИН 7 апрелда б-бахорни кутаб оддиги билан чин дилдан муборакбод этамиз. Жаҳонгиржон ўмринг узоқ бўйли, тогни урса талқон қизадиган навқирон ўғлон бўлиб етишиен.

Даданг БАХОДИР,
онаги НОДИРА.

Онажонимиз
иомиддинов ба
МЕХРИНИСОНни
түғигларни кунлари
б-и-а-и
табриклаймиз.
Уларга сиҳат
саломатлик, узоқ
умр, фарзандлари
к-ж-о-л-и-и
кўришларини
тилаимиз.

Бахтижизга омон бўлсинглар.

Фарзандлари номидак АЛИШЕР НОРЧАЕВ, Тошдд толиби.

Тошкент Давлат дориғуныни
Табриклаймизга кепти ўқитувчи
Гулчера Лутфуллаева!

Тугилган кунингизни муборакбод
тўқисида ҳеч чорсаманг. Юзингиздан
табасум, лабингиздан кулгу
оримаш, дебхурмат вазътиром билан
Сайра САИДЗОДА

ОИЛА

30 ёшда

Сирдарёлик Оиласининг тичлиги, тўқисигини ўйлайдиган меҳрибон, болажон мўмин-мусулмон инсон, 30 ёшгача бўлсан, рўзгор ишларига уқувли, покиза киз (1, 2 та фарзанди бўлган аёл) билан оила куриш истиғада. Тошкент шаҳридан бўлса ундан ҳам яхши. “Оила-30!”

Шу йилнинг 11 октябрдан 19 октябригача пойтахтимиздаги "Пахтакор" ҳамда МХСК (Марказий ҳарбий спорт клуби) йўйингоҳида футбол бўйича Осиё конфедерацияси сорнин учун Марказий Осиё давлатлари терма командалари ўртасидаги йирик халқаро "Тошкент турнири" ўтказилади. Қаридб 9 кун давом этадиган ушбу мусобақада Ўзбекистон Қозғистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Қирғизистон футбочилиари ўзаро "беллашадилар". Шу турнир юзасидан терма командамиз бош мураббийси Рустам Акрамовга 4 апрел куни эрталаб соат 8:30 да телефон орқали бир нечта савол билан мурожаат қилдик:

— Рустам ака, эрталабдан безовта қилган бўлсак, узр. Терма командамизнинг чет элда тўп сурʼетган аъзолари Игор Шквирин, Азамат Абдураимов, Миржалол Қосимов ва Геннадий Денисовлар "Тошкент турнирида" қатнашадими ёки қатнашмайдими?

— 3 апрелдан 4 апрелга ўтар кечаси туш кўрдим. Тушмиди Игор Шквирин ушбу мусобақада қатниши учун келибди.

Яқинда Игорга телефон қилдим. Кайфияти, саломлагни яхши. Иложи бўлса албатта ташриф буюришини билдирилди. Ҳар эҳтимолга қарши бутун ҳам Истроидаги элчинномаизга телефон қиласман.

— 29 марта бўлиб ўтган матбуот конференциясида ҳозир Владикавказнинг "Спартак" (Россия) командасида ўйнаётган Геннадий Денисовнинг келиши-

10. Абдулаев Р. МХСК
11. Тихонов А. "Нефтчи"
12. Дўрумонов Р.-м. "Нефтчи"
13. Бозоров Р. "Нефтчи"
14. Кутубов Н. "Нефтчи"
15. Тиллаев О. "Нурафшон"
16. Келдиев В. "Навбахор"
17. Абдураимов А. "Паханг" (Малайзия)
18. Қосимов М. "Спартак" (Россия)
19. Шквирин И. (Ироил)

- Мураббийлар
1. Акрамов Рустам
 2. Суонов Виталий
 3. Толибжонов Асқар

БАҲОНГИЗ "2", САЛИМ ЭШМУҲАМЕДОВИ!

Осиё футбол конфедерацияси сорнин учун "Тошкент турнири" ташкилий масалалари юзасидан 29 марта куни мамлакат футбол федерацияси биносида бўлиб ўтган матбуот конференциясида турнир олди тадбирлари яна бир бор таъкидлаб ўтиди. Журналистлар билан футбол мутасадилари ўртасидаги қисқача савол-жавоб масаласида эса кўпчиликнинг ичидаги айтилмаган бир гап қолди.

Федерация бош котиби Салим Эшмуҳамедовга дастлаб "Ўзбекистон Республикаси З-миллий чемпионатнинг рамзи маъноси сифатида нима учун бирорта

бўлган раҳбар чемпионатимиз рамзи белгиси бўлмиши эмблема нима учун зарурлигини билмас...

Эҳтимол, Салим Эшмуҳамедов бу саволга кўнгилдагидек жавоб беролмасда, амалда

замирида жуда катта гап бор. Ушбу гапни тушунгандар тушунади фақат.

Иккичи савол: "Салим ака, Ўзбекитон терма командасининг бош мураббийси Рустам Акрамов ҳозиргина мавжуд муррабблар тўғрисида ганириди. Тўп, машқ қилиш учун зарур бўлган кийим-бош, пул масаласида айниқса кўпроқ тўхтади. Мана ўзингиз ҳам ҳозир гапни тўғридан-тўғри ички мурраббларга олиб келиб тақаддингиз. Айтингчи, ушбу камчиликларни мурраббийлар, журналистлар, спорт кўмитаси, футбол федерацияси, вазирлик, ҳал қилолмаса бу борада ким бош котириши шарт?" (Нормурод Мусомов "Оила ва жамият").

Жавоб: "Эндиликда биз бошқача фикр қилишимиз ўрганишимиз керак. Даър, замон ўзгарди. Футболни ривожлантириш тўғрисида маҳсус қарор чиқди. Ички мурраббларни жойлардаги раҳбар ҳокимлар ҳал этиши шарт. Рустам Акрамов айтган бўлса, бундан бир-инки йил оддининг мурраббларни гапиргандир!?"

Йўқ, аслида "Тошкент турнири" оддидан бўлбай ўтган матбуот конференциясида ҳеч ким илгарига мурраббларни тилга олмаган эди. Катнапчиларнинг бутун дикъат-этибори бутун ва келажакка қаратилганди. Қолаверса терма командамиз мурраббларни вилоят ҳокимлари ҳал қилиб берармиди?

Футбол инсон кўнглининг, имон ихтиёрининг ишидир. Бирорта футбольни ёки командага бўйруқ орқали ортиқа таълаб кўйилдими. Агарда шундай таҳмин қиладиган бўлсан, у ҳолда мамлакатимизнинг рамзигер биҳда Тошкентдаги Мустақиллик майдонига ўрнатилган ўлкан глобуснинг жоҳаз кинки, мамлакатимиздаги футbolга маъсул қолармиカン?! Аслини олганда эса бунинг

футболнинг ҳақиқий билимдониди. Қўйинки, биринчилигимиз учун эмблема шарт ҳам эмасди. Агарда шундай таҳмин қиладиган бўлсан, у ҳолда мамлакатимизнинг рамзигер биҳда Тошкентдаги Мустақиллик майдонига ўрнатилган ўлкан глобуснинг жоҳаз кинки, мамлакатимиздаги футbolга маъсул қолармиカン?! Аслини олганда эса бунинг

тетапоя бўлдайтган мамлакат футболига катта зарар етказими мумкин.

Асл мақсадимиз мурраббларни

футболни жаҳон миқёсига кўтариш экан

мавжуд мурраббларни чиё кўнгилдан ҳал

қилиб ўз имкониятларимиздан вактида

фойдаланишини виждоний ҳамда инсоний

бүрчимиз деб билишимиз лозим.

ТУШИНГИЗ ЧУГИДАЧ КЕЛЕСИН

РУСТАМ АКРАМОВ!

кемаслалиги ўз ихтиёрида деган эдингиз. Ушбу масаласи қандай ҳал қилинмоқда?

— Билисизми, Денисов "Пахтакор"дан кетаётгандан кимдир мажбурлаб Ўзбекистон терма командасида ўйнамайман" деган мазмунда ариза ёздириб олган экан. Шу боис Геннадий ҳақида бирор гап айтилмайман. Яқинда Владикавказга телефон қилдим. Мураббий Валерий Газзаевга масалани ётиги билан тушуниши сўрадим. Ёзган аризангни қандай бўлмасин ўйқушиб юборишни илтимос қилгин, дея маслаҳат бердим. Шунингдек, Россия ўлкаси футбол федерациясига ҳам худди шу маънода телеграмма юбордик.

— Азамат Абдураимов ҳақида нима дея оласиз?

Азаматтага хабар бериш учун мураббий Любубинин Малайзияга жўнаб кетди. Ҳозирча ундан бирорта янгилик келмади.

— Миржалол Қосимовичи?

— Миржалолдан айнан мана шу "Тошкент турнири"да умидим катта. Биласиз, у ҳам "Спартак" (Владикавказ) да. Бошқаларни билмадим-у аммо Қосимов албатси келиши керак.

— Охирги саволим: Айтингчи ушбу мусобақада Марказий Осиёдаги қайсан бир команданинг биринчи ўрин учун имконияти кўпроқ? Тошкентнинг ёки Қозғистон?

— Ўху-у, бу қитмир савол бўлдику! (ҳақида). Қисқа ва лўнда қилиб айтганда майдон эгаси сифатида биз, яъни, Ўзбекистон голиб чиқиши шарт. Миржалол келса бас, фақат, биринчилик учун курашамиз. Борди-ю, Шквирин, Азамат, Геннадийларга ҳам клублари рухсат береса сўзисиз бош сорин бизничи бўлади.

— Хўп, айттанинг келсин. Омад тилаймиз!

— Раҳмат.

Танишинг, Ўзбекистон Республикаси терма командаси

ТУРНИРДА ҚАТНАШАДИГАН МАМЛАКАТЛАР

ТУРКМАНИСТОН	ҚОЗОГИСТОН	ТОЖИКИСТОН	ҚИРГИЗИСТОН
1. Набомченко Е.	1. Цирин В.	1. Сулаймонов Д.	1. Жалилов З.
2. Амельченко М.	2. Абдуалиев С.	2. Шукуров А.	2. Ботраев Р.
3. Семтиев Ч.	3. Фамилов А.	3. Шойимов Х.	3. Кононов В.
4. Курмамбетов Р.	4. Абдалаев С.	4. Курбонов Р.	4. Махмудов А.
5. Мередов Ч.	5. Конаваленко С.	Ражабов Ш.	5. Урмисев Р.
6. Баллиев Р.	6. Спаринев В.	6. Идиев И.	6. Руденко А.
7. Нурбейдиев М.	7. Гумар Р.	7. Гулматов А.	7. Жумакаев М.
8. Корж Д.	8. Курганский Н.	8. Зардов Х.	8. Рибаков А.
9. Золотухин В.	9. Макаев Г.	9. Чикаев С.	9. Сало В.
10. Аннадурдиев А.	10. Воскабойников О.	10. Ализов З.	10. Ҳайтбоев Ф.
11. Менгизов К.	11. Капутников О.	11. Князов С.	11. Эшебоев К.
12. Мередов А.	12. Мусабаев К.	12. Муминов Т.	12. Бойко В.
13. Дурдиев К.	13. Сисенов Г.	13. Бобохонов В.	13. Қайназов Т.
14. Сардалимов Ю.	14. Салимбеков К.	14. Салохидинов Б.	14. Қодиров Т.
15. Агаев М.	15. Жумахонов С.	15. Курбонов Р.	15. Рогаванов В.
16. Мередов А.	16. Турсаматбетов Т.	16. Бекпилатов Ш.	16. Коваленко Д.
17. Мухадов Ч.	17. Федоров В.	17. Умарбоев А.	17. Клименко О.
18. Нурмуровов Б.	18. Лисин А.	18. Шипков В.	18. Сайтиалиев Н.
19. Мередов К.	19. Низовцев М.	19. Шарипов Ф.	19. Жумакеев М.
20. Сисеев Н.	20. Мирошничеко Л.	20. Ежурев И.	20. Сергеев И.
21. Сироткин С.	21. Курдимов А.	21. Николаев С.	21. Аджиев Р.
	22. Абделдаев А.	22. Маналиков А.	22. Абдураҳмов Ш.
	23. Аубакиров К.	23. Фузайлов Х.	23. Момунов А.
	24. Скларов А.	24. Батуренко Ю.	24. Бобоев Д.
	25. Авдеев И.	25. Воловодинко А.	25. Иванов О.
	26. Ниёзимбетов А.		
	27. Гороховский И.		
	28. Нисимбов А.		
	29. Кучерявых А.		

Мураббийлар:

1. Турдиев Б.
2. Муродзоҳидов Я.

Мураббийлар:

1. Сегизбаев Т.
2. Макатов А.

Мураббий:

1. Гуломхамдамов В.

Мураббийлар:

1. Қошлиев М.
2. Власичев В.
3. Цой С.



...Ушанда Нишон тумани хотин-қизлар Кенгашининг йигини бўлаётганди. Навбатдаги сўз “Оқ олтин” жамоа-ширкат хўжалиги бошлангич хотин-қизлар ташкилотининг расисаси Любов Михайловна Алеҳина га берилди. Опага сўз дейиди-ю, менинг хаёлимдан: — У кайси тилда сўзлар экан, нима учун соф миллий таркибига эга хотин-қизларга уни етакчи килиб кўйишибди, — детан кечинмалар ута бошлади. Аммо, мундок минбагъ кўз ташласам бутунлаб миллий киймдаги “узбек” асли кулимираб туриди. Туппа-тузук оқ-сарикдан келган ўзбек азлиниң ўзгинаси.

— Ассалому алайкум, азиз давра катнашчилари...

Ола сўз бошлагач, кўнглимаги гумонлар туман янглиг таркаб кетди. Раиса опа байрон-байрон соф ўзбекча сўзлар экан, ўз навбатида залда ҳам пичир-пичирилар бошлини кетди. “Люба опа ўзбекни, ўрсими?”. “Ўзбекча кийм яратшиди”. “Люба опанинг отаси ўзбек, ё наси ўзбек”. Мен эса опанинг қандай килиб “узбек” бўлиб қолганини хақида сухбат қилишини кўнглима тугдим.

Хўжалика бўлиб, бошқарув ранси Ботир Жўраевга фикримни айтпанди: — Жуда яхши бўлади-да, — деди рапс. — Сиздан илтимос опани “Ўзбегойим” деб езинг. Аммо, Любопа меҳнат таътилида эди. Сибирга кетмоқчи бўлиб котарилини...

Хар тутул у киши Сибирга кетмаган экан, учрашиб, мулодотда бўлдим. Бошлага катта рўмол, оғига калиш-маҳси кийиб олган аёлни датфатан танимадим. Ботир ака: — Любопа шу киши, — дегачин хәлемим жойига кўйиб, разм солсан, “Ўзбегойим” кулиб туриди.

Любопа Михайловнанинг таржимаи ҳоли оддий. Асли сибирлик, миллати рус, Новосибирск шаҳрида яшаади. Опа 47 ёшда. Аммо, мана 30 йилдирки, Ўзбекистонда — 1965 йилда ўрта мактабни тугатиб, Каршига амакимнига келувдим, — деди Любопа. — Уш пайтда чўл ўзлаштирилиши эндигина бошланган бўлиб, амаким “Каршикурилиш” бошкармасида ишларди. Чолим Берди Сайдов билан ўшанда танишиб қолган эдим. Такдир

екан бир умр шу дўрда колиб кетдим. Берди акангиз ўзбек, асли Қарши туманининг Тўкманигит кишлогидан. Умуман, ўзбек хонаонига келин бўлиб тушиб, кам бўлмадим. 5 нафар фарзанд тарбиялаб вояга етказялмиз. Тўғиҷ кизим Тания Сибирда яшайди. Ўша екда институтда ўқин, ўйли-жойли бўлди. Заводда ишлайти. Эри, ўғли бор. Тез-тез келиб туришиди. Алишер Москвада яшайди, ўша ерда шофер бўлиб ишлайти. Бахтиер Каршида заводда ишлайди. Ихтиер ва Михаил-Илҳомлар халидни.

— Нега энди Михаил-Илҳом деб атадингиз?

— Биласизми, Илҳом Сибирда туғилган. Унда отам шаматла хаёт эдилар. Биз ўзларда шундай одат бор. Битта исм бир неча авлоҳдагра кўйиб юборилаверади. Отам Михаил Алеҳин: — Кизим роса ўзбек бўлиб кетибсан-ку, ана шу туғилган болантга ўзим исм кўйиб бераман, — дедилар. Йўқ, дея олмадим. Ўзгимга мендан эძалик деб ўз исмларни кўйдилар. Онам Александра Алексеевна ҳам: — Жон болам, отангнинг айтани бўлсин дедилар. Хуллас, Михаил билан туаш-ми, энди унинг тилини ҳам ўрганишим керак. Эрим “Ўзбекча-руса” сўзлайти. Китоб олиб келиб берди. Ана шу китобдан кўп фойдаландим. Очиги, китобдан кўра эл орасида бўлиш фойдалирок экан.

— Ўзбек йигитига турмушга чиққанлигигизга уйдагиларингиз қандай карашди?

— Биз ўзларда шундай одат бор: миллат, эзлат ташламайтим, кимга кўнгил кўйсак, турмушчикиб кетаверамиш. Кўпичка, ота-оналаримиз ҳам қаршилик килишмайди. Бахтиер бўлсанг, — бўлди дейшиди. Йўқ, мен хеч ҳам турмушимдан нолимайман. Қайnotан ўлжа бўла Саидонкига келин бўлиб тушиб келган кунларим хеч эсмидан чиқмайди...

— Қайнота ва қайноналарингиз сизни қандай кутиб олишганди?

— Бизларда йигит билан кизинни ковуши кетиши жуда осон. Бир-биринирайласа бўлди. Энди билапманки, ўзбекларда расм-руsumлар жуда кўп бўларкан. Мен эса хеч қандай расм-руsumлариз келин бўлиб келаверганиман. Каршига эндигина келган йилим эди. Бирорта ҳам ўзбекча сўз билмасдим. Қайнота ва қайноналар, уларнинг болалари — қайниснинг

ва қайниларим ўрисча сўзлаша олмас эканлар. Таессавур килиб кўринг, тил билмасларинг бир уйда яшашини. Бир кун ўйга кирсан кайнотам ишлаб ўтирибди. Эртаси куни қайноналарни ишлайти. Мен эса фақат эрим ишдан келгач у билан гаплашаман. У киши ишга кетгач, ҳар куни йиги-сиги, дикканафаслик. Билдимки, бу маддагарлар мен — ўрис келин туфайли бўлмокда. Такдирга таваккал килиб кетиб юбордим. Йўқ, хайрят, эрим орқамдан бориб кайтарбай олиб келид. Ўзим ҳам кетишига кетиб, афсусда эдим. Тўғри-да, уйда хеч ким менга емон муносабатда бўлмаган. Фақат, ягона айбим — тил билмас ўрис келинлигим эди. Ўзимча ўйладими, тақдирим ўзбек тақдирди билан туаш-ми, энди унинг тилини ҳам ўрганишим керак. Эрим “Ўзбекча-руса” сўзлайти. Китоб олиб келиб берди. Ана шу китобдан кўп фойдаландим. Очиги, китобдан кўра эл орасида бўлиш фойдалирок экан.

десам унамайди. Ўзбек кизига ўйланаман, дейди. Шунисига ҳам шукр киламан.

— Люба опа, биласизми, кўлгина ана шундай байналмилал овлаларда фарзандлар тарбиясида онанинг ўрни бўртиб туради-да..

— Ҳа, сезизбиз. Очкуча, болалар она измидан кетишиди деб рўй-рост айтаверинг. Мен эса, у йўлни танламадим. Негаки, фарзандларим туғилгандан мен ўзбекчани, шу халкнинг урф-одатларини озми-кўпум тушунинг колгандим. Ўзимча; эрингтили — тил. Ватани — Ватан бўлсагина палак ёзишимни сездим. Болаларимнинг барчаси ўзбек боягасида тарбияланди, ўзбек мактабида ўчишиди. Оддининг хўжалик почта-алоқа бўлмининг бошлини бўлиб ишлади, 1985 йилда идорага ишга олиши, хисобчи бўлиб ишлайтади, 1990 йилдан хотин-қизлар Кенгашини бошқараман.

— Сизга хотин-қизлар кўплаб мурожаат килишиша керак!

«ЎЗБЕГОЙИМ» ДЕБ ЁЗИНГ...

Одамлар орасида яшаш менга нафакат тил ургатди, балки, урф-одатларини ҳам вужудимга сингидирди. Тил билмасдан туриб бирор бир халқ ехуд эзлатга аралашшиб бўлмаслигини сездим. Урф-одат, расм-руsumларига амал килсанг, турмушингда кўлласантина ўша халқ орасига сингиб кетаркансан. Ҳозир 30 йил унтиригни тил билмас келин эмасмас, сиз эзтироғ этган, ўзбек миллий кийми гаштган бинои ўзбек аёлиман. Хўжаликда кўплар.— Опа,— деб чакиришиди. Ьшлар эса:— Эна,— деб аташади.

— У ёдаги уругларингиз ҳам келиб туришадими?

— Албатта. Раҳматли отам жуда кўп келардилар. Ҳар сафар ўзбекларинг бағри кенглигига койил колардилар. Отамга ҳам неваралари ўзларча ўзбекча сўзларни ўргатиб ташлашганди. Отамни ҳазиллашиб: — Ўртаси ўзбек бобо,— деб чакиришиди. У киши хандон отиб кулардилар. Қачон келсалар, остонаян,— Ассалому алайкум,— деди кириб келардилар. Кейинчалик, кудалар билан ҳам апок-чапоқ бўлиб кетишиди. Ҳар сафар тўй килсанг, чакириадик, кўп-кўп бўлиб келшишиди. Ҳозир синглим келиб туриди. Онам 82 ёшдалар.

— Ўзилларингизни суннат тўй килгансизлар-да?

— Бўлмасам-чи? Ҳамма тўйларимизни ўзбекона расм-руsumлар билан ўтказдик. Яна динг соф кўнгиротча тўй килиб бердик. Бахшилар чакиридик. Аммо, Бахтиер ўлниминг эзтироғларни хеч эсмидан чиқмайди. — Она,— деди бир куни. — Ўзи сен кимсан? Ўриси, ўзбекми? Нега ҳадеб ўзбекча гапирасан? Агар энди ўрисча гапирасан уйдан кетиб қоламан.

Биласизми, ўшанда жуда кўркканиман. Барийр кон торгарт экан-да деб ўйладим. Мактабга борди-ю, Бахтиёрим ҳам ўзбек бўлиб колди. Энди ўрис кизидан келин қилиайн

— Мурожаат килишганда қандоқ. Деярли ҳар куни. Тўй-маърқаларда бирганим. Тўйга айтишса бўлди, катта дастурхон килиб, бошитма кўйиб бора бераман. Ишонасизми, кишлогимизнинг кўлгина ёшлари менинг ўрис кизи эквалигимни билишмайди ҳам. Шунинг учун ҳам хеч тортимасдан:— Эна, деб чакиришиди.

— Люба опа, давлат тилини ўрганиш учун 8 йил муддат белгиланган. Сиз шу хақда нима деб оласиз?

— Ўзбек тилини ўрганиш кийин эмас. Мен энди 3-4 йилдаек мукаммал ўрганиб олганман. Аммо, бурноги йили Украинадан Мария Комаринская деган аёл эри Михаил билан кўчиб келишганди. Хўжаликда бор-йўғи бир йил яшади. Ониги, Марияга койил колтаман, тан берганман. Бир йилга этиб-етмай ўзбек ташлашганди. Отамни ҳазиллашиб: — Ўртаси ўзбек бобо,— деб чакиришиди. Шундан келиб чиқиб атаманни, элинни элим, юртни юртим деган киши, ў кайси миллат вакили бўлишидан катий назар ўзи тузини ёттанин тилини энг кечи билан 3-4 йилда ўрганиб олади. Мен бунга ишонаман. Ҳудога шукрки, эрдан елчидим, фарзандлар камолидан кўнгли тўк, асосими, мендан хеч ким ётсирамайди...

Элга ишчи зўр, муҳаббати бисер Любопа мен ҳам зўр ихолос билан:— Муҳаббат опа,— деб атадим. Бундан онахоннинг кўнгли чоғланди.

ЖАЛОЛ ЯХШИБОЕВ



Марат БОЛТАБОЕВ сурати

Бош мұхаррир:

Абдулхамид ИРИСБОЙ

ТАХРИР ҲАЙЛАТЫ:

Құлман ОЧИЛ, Жұманазар БЕКИНАЗДАР,
Дадақон ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ,
Мұхаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙЙИД
(бош мұхаррир ўринбосари), Ботир
ЭРНАЗАР (масъуль котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ,
Абдулсон УСАНОВ, Абдумуталип РИЗОҚУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар

жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси
болалар жамғармасининг “Чинор” илмий ишлаб

чиқарыш бирлашмаси.

Таҳрирлар келиган ҳатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек,
фуқаролар билан ташкилотлар ўтасида восита чилик ҳам кимлади.
Газетамиздан олинган маълумотлар “Оила ва жамият”дан деб
кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.

Телефон: 39-43-95

Н. МУСОМОВ навбатчилик қилди

Обуна индекси -64654

Рўйхатга олиш №33

Буюртма №Г-916. 35164 нусхада чоп
этildi. Газета IBM компьютерида терилиди
ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.

1 2 3 4 5 6